O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 ЙИЛ 30 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | 1999 ЙИЛ 16 *ФЕВРАЛ*, СЕШАНБА | № 7 (107) | Сотувда эркин нархда

Demokratiya sari

ТОКИ ОДАМЛАР ФАОЛ, ҲУРФИКР БЎЛСИН

Собиқ Иттифоқ даврида ҳам нодавлат ташкилотлар бор эди. Уларнинг номини беҳад кўп такрорлашар, ҳатто ғашимизга тегиб кетарди. Ягона ва ҳокими мутлақ компартия ҳам тагини суриштирсангиз, нодавлат ташкилоти эди. Бироқ бу ташкилот давлатниям, ҳукуматниям, халқниям ўз қулига айлантириб олди. Жамоат бирлашмаси ниқобини кийиб олган касаба уюшмалари унинг югурдагига айланди. Компартия бошқа жамоат ташкилотлари аъзоларини ҳам ўз сафига киритиш билан ҳокими мутлақ бўлиб олган эди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ юртимизда кўппартиявийлик вужудга келди. Халқ ҳаракатининг нималигини тушуниш ва унга тоқат қилиш мумкинлигининг гувоҳи бўла бошладик. Диний, фалсафий, ғоявий, маънавий ва моддий манфаатлар йўлида уюшиш ва расмий равишда фаолият юритиш мумкин бўлиб қолди. Республикамиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси бўлди. Пойтахтда бу нуфузли ташкилотнинг ваколатхонаси ишлаб турибди. Шунингдек, дунё миқёсидаги турли ташкилотларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги тажрибаларидан баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлдик. Халқаро ҳаётга оид бир-биридан қизиқарли, мазмунан бир-биридан келиб чиқувчи ва бир-бирини тўлдирувчи илмий-амалий анжуманларнинг пойтахтда, вилоятларда, айрим жамоаларда ўтказилиши одатдаги ҳодисага айланиб қолди.

Шу боисдан ҳам кейинги йилларда нодавлат ташкилотлар атамаси қулоққа тез-тез чалинадиган бўлиб қолди. Хўш, нодавлат ташкилот нима?

Нодавлат ташкилотнинг энг ибтидоий шаклини тасаввур қилиб кўрайлик. Масалан, мактаб болалари футбол ўйнашмоқчи-ю, коптоклари йўқ. Мактаб олиб бермаяпти. Нима қилиш керак? Улар аввал футбол ўйнаш истагини билдирган болаларни аниқлаб олишади-да, ота-оналари тушлик қилиш учун берган пулларидан тежаб копток олгани пул йиғишади. Қарабсизки, умумий мақсадга етиш учун керак бўладиган биринчи шарт бажарилди. Болалар шунинг билан бир қаторда «ҳукумат», яъни мактаб маъмуриятининг ғашига тегмасликнинг ҳам чорасини кўришади.

Шунга ўхшаш нодавлат ташкилотларини ҳаётдан истаганча топиш мумкин. Миллатимизга хос маҳалла жамоатчилиги, ҳашарда қатнашиш, миллий анъаналаримиз, тўй ва маросимларида уюшиш каби фазилатлар нодавлат ташкилотнинг норасмий содда кўринишларидир.

Жаҳон тажрибасида нодавлат ташкилот атамаси турли хилда кўринишларда ифодаланиши кузатилмоқда: жамоат бирлашмаси, нотижорат ташкилоти, ноҳукумат ташкилот, нодавлат ташкилот, жамоатчилик жамғармаси ва ҳоказо.

Аммо асл моҳиятдан келиб чиқиб, уни нодавлат ташкилот дейиш мақсадга мувофиқдир. Чунки унинг мақсади, фаолият кўриниши, жойлардаги муаммоларни давлатга «аччиқ» қилмаган ёки бундай ватанпарварлигини миннат қилмаган ҳолда ҳал қилишга қаратилган бўлиши шарт. Албатта, бундай жамият ҳукумат ишига ҳам бефарқ бўлмайди, у баъзи ҳолларда жамият ҳаётининг кечиктириб бўлмас чора ва тадбирларини амалга оширишда яқиндан ёрдам бериши мумкин.

Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис ўн иккинчи сессиясида сўзлаган нутқидаги ушбу фикрларга эътибор қилайлик:

«Оддий бир ҳақиқатни тушунишимиз керакки, демократик институтларни юқоридан, давлат органлари қарори билан яратиб бўлмайди. Бу эскича фикрлашдан бошқа нарса эмас. Юқоридан шаклланган, ташкил этилган барча тадбирлар, одатда, яшашга ноқобил бўлиб чиқади.

Жамоат ва нодавлат тузилмалари ҳаёт тақозоси билан давр талабига кўра ташкил этилиши керак. Ҳокимиятнинг маҳаллий ва марказий бошқарув органлари эса бу жараёнга тўсиқ бўлмасликлари, аксинча, бу янги демократик ва жамоат тузилмаларини ташкил этишни рағбатлантиришлари лозим. Токи одамларимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётда, бунёдкорлик ишларида, фуқаролик жамиятини қуришда, турмушимизнинг мазмун-моҳиятини белгиловчи қадриятларни шаклантиришда кўпроқ ва фаолроқ қатнашсинлар. Ана ўшанда четдан туриб томоша қилувчилар, танқидчилар камаяди».

Энди нодавлат ташкилотларининг ҳозирги аҳволи, бу борадаги муаммоларга қисқача тўхталсак.

Яқинда биз Республика инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий Марказида турли халқаро нуфузга эга бўлган ташкилотлар мутахассислари, республикадаги нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирок этган анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда сўзга чиққан мутахассисларнинг бу борадаги фикрлари, хулосалари шундай бўлди:

Биринчидан, яқинда нодавлат ташкилотларнинг мақомини, фаолиятини ҳуқуқий изга солиш учун халқаро ҳуқуқ нормалари талаблари асосида ишлаб чиқилган, юртимиз тараққиётида бу ташкилотларнинг муҳим ўрнини белгилаб берувчи ва улар ўз ниятларини бемалол амалга оширишлари учун имкон яратувчи, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Нодавлат ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунни халқ орасида кенг тарғиб этиш керак.

Иккинчидан, нодавлат ташкилотларнинг раҳбарлари, кўнгилли аъзолари ўз фаолиятларидан мақсади ва ҳукуматдан нимани истаётганларини ўзларига ўхшаганларга ва ҳукумат тизимидаги мутасаддиларга яхшилаб тушунтириб беришлари керак. Бунинг учун улар ўз сафларига онгли, зиёли, ўз фикрларини оғзаки, ёзма равишда оммавий ахборот воситалари орқали халққа етказа олиш салоҳиятига эга бўлган, мафкураси мустақиллик ғоялари билан суғорилган фидойилардан иборат бўлган, ҳукумат ишига аралашмайдиган, аксинча, мудом ҳамкорлик қилиш йўлларини излайдиган, янги фикрли одамларни жалб этишлари зарур.

Учинчидан, ҳукумат ва давлат тизимида фаолият кўрсатаётган мутахассисларда - энг кичик бўғиндаги мутасаддилардан то энг юқори раҳбарларгача бу ташкилотларнинг моҳиятига оид билимлар ва дўстона муносабатни шакллантириш, улар билан холис мақсадларда бажонидил ишлаш кўникмаларини тарбиялаш зарур бўлади. Зеро, нодавлат ва давлат ташкилотларининг олий мақсади халққа хизмат қилишдан иборатдир. Акс ҳолда нодавлат ташкилот конституциявий тузумга халақит қилувчи ва ўзи турган шохга болта урувчи кишига ўхшаб қолади.

Давлат мутасаддиларининг эса ердан оёғи узилади. Қашқадарё, Самарқанд, Навоий вилоятларида содир бўлган салбий ҳолатларнинг гувоҳи бўлаверамиз. Бу ўринда давлатни яхлит, нодавлат ташкилотларни эса ягона пировард мақсадга хизмат қилувчи, бироқ алоҳида олинган маълум мақсадларга эришиш йўлида ҳаракат қилаётган юзлаб ташкилотлар ҳолида тасаввур қилиш зарур.

(Давоми 2-бетда)

Bugunning gapi

ШАХС МАЪНАВИЯТИ – БОШ МИЛЛИЙ ҒОЯ

Табиатнинг ажиб қонунияти бор. Бола ўсиб, улғайгани сари чор-атрофга ўзгача бир қизиқиш, ўзгача бир теран нигоҳ билан боқа бошлайди. У қанча кўп кўргани, билгани сайин мурғак онг-шуури шунчалик тўлишиб, атроф-муҳитни бор бўйича идрок қилиш, мушоҳада этиш имконига эга бўлади. Бу сифатни айни пайтда исталган бир халқ, миллат тақдири, ривожига ҳам нисбат бериб айтиш мумкин.

Ота-боболаримизнинг асрий орзуси - мустақилликка эришганимизга ҳали кўп вақт бўлмади. Ўтган етти йил гарчи тарих абадияти олдида катта муддат бўлмаса-да, аммо унинг асрларга татигулик сабоғи Ватанимиз, халқимиз тақдири, қисматида оламшумул аҳамият касб этиши шубҳасиз. Узоққа бориб юрмайлик, шундоққина ён қўшнимизнинг ҳаёт ҳақидаги кечаги тушунчалари ва бугунгиси ўртасида қанчалар тафовут бор? Бундай муқоясани ҳар бир ватандошимиз мисолида кўришимиз мумкин. Ана шу қисқа вақт ичида одамларнинг онги, тафаккури бутунлай ўзгарди. Биз эски тузум ақидаларидан, эски мафкура занжирларидан халос бўлдик. Ўзимизни, ўзлигимизни англаб, қадриятларимизни таний бошладик. Ватан деганда аллақандай бепоён ҳудудни эмас, киндик қонимиз томган, бағрида аждодларимиз хоки муборакларини қоришиб ётган табаррук тупроқни англаяпмиз. Бу беқиёс Ватан ҳур Ўзбекистон эканлигини дунёга баралла айтишга журъат топдик. Бугун ўтмиши ва келажаги буюк бебаҳо юртимиз номини айтиб, ҳақли равишда фахру ифтихор нашъасини тотдик ҳам. Кундан-кун қўлга киритилаётган ютуқларимиздан дўстларимиз қувониб, рақибларимиз лол бўлаётгани ҳам сир эмас.

Ҳар бир миллатда ўзига хос маънавият бўлади. Бу борада халқимиз бошқалардан сира ҳам қолишмайди. Баркамол миллатнинг маънавияти ҳам баркамол бўлиши табиий. Бизнинг юксак маънавиятимизни аҳли жаҳон азал-азалдан эътироф этиб келган. Аммо биз истаймизми-йўқми, мустабид тузум таъсири маънавиятимизда ҳам маълум маънода ўз изларини қолдирди. Бу асоратларнинг ўткинчи ҳол эканлигини «Ўсма кетар, қош қолар» деган пурмаъно мақолларимиз ҳам таъкидлаб турибди.

Мустақиллик мафкураси, миллий ғоя ҳақида фикр-мулоҳазаларнинг кўплаб билдирилаётгани бугун Ватан тақдири барчанинг юрагида бедор уриб турганидан далолатдир. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбири саволларига берган жавобларида миллий ғоя, миллий ғурур, маънавият масалалари бўртиб турибди. Суҳбатни ўқиган одам унда тилга олиб ўтилган мавзулар айни бугуннинг гапи эканлигини эътироф этади ва ўзига керакли сабоқ чиқаради.

Эшик қоқиб турган йигирма биринчи асрда бизнинг маънавий қараш ва нуқтаи назарларимиз нимадан иборат бўлади? Кундан-кунга ўзгариб, ғоят мураккаблашиб бораётган жаҳон ҳамжамияти тизимидан бу қарашлар ўзига муносиб ўрин топа оладими? Бизда янги аср учун мўлжалланган маънавий-мафкуравий фаолият мақсадлари - концепциямиз борми?..

Юртбошимиз шу сингари бир-биридан кескин, бир-биридан долзарб, мураккаб саволларни ўртага ташлайдилар ва уларга атрофлича жавоб берадилар. Жумладан, **«Модомики, биз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қураётган эканмиз, маънавият соҳасидаги йигирма биринчи асрга мўлжалланган ҳаракат дастуримиз ҳам ана шундан келиб чиқмоғи даркор. Яъни эркин фуқаро - онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур»,** деб таъкидлайдилар.

Бугунги кунда бутун республикамиз фуқаролари катта қизиқиш билан ўқиб-ўрганаётган ушбу суҳбат эркин фуқаролик жамияти қуришимизда, жамиятимиз ҳаётида қонун устиворлигини таъминлашимизда ўзига хос дастуриламал бўлади, деб ишонамиз.

Сирожиддин РАУПОВ

Жиззах шоҳбекати ички ишлар бўлинмасига Абдураим Мамадиёров бошлиқ бўлиб келгач, аҳвол бутунлай ижобий томонга ўзгарди.

Бўлинма биноси қайтадан таъмирлаб, ишга туширилди. Ҳозир бино атрофлари ободонлаштирилмоқда. Хизмат машинаси ҳам созлаб, ходимлар ихтиёрига берилди. Бу эса посбонларнинг бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб юборди.

Суратларда: вояга етмаганлар билан ишлаш катта нозири Шукур Элмуродов; (чапдан) нозир Умар Маъмиров ва бўлинма бошлиғи Абдураим Мамадиёровлар.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар

BUGUNGI SONDA:

ДАН 2-бет ва МАН

ОЛАМШУМУЛ ВАСИЯТ 4-бет

ҲУҚУҚИЙ ХИЗМАТ МАСЪУЛИЯТИ

Бозор муносабатлари шароитида халқ хўжалигида ишларнинг тўғри ташкил қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Мулк шаклидан қатъий назар барча корхоналар раҳбарлари ва тегишли масъул ходимлари улар фаолиятига оид амалдаги қонунларни мукаммал билишлари ва умуман, ҳуқуқий саводли бўлишлари ҳозирги давр талабидир.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан шаҳардаги турли ташкилот ва корхоналарда ушбу масала ҳамда хўжалик шартномаларини тузиш, унинг ижросини таъминлаш бўйича ўтказилаётган текширувлардан маълум бўлишича, уларнинг кўпчилигида қонунларга тўла равишда риоя қилинмаётганлиги оқибатда эса улар катта миқдорда моддий зарар кўриб, айримлари банкротлик ҳолатига тушмоқда.

Мазкур ҳолатларнинг асосий сабаби биринчидан, корхона раҳбарлари ва тегишли мутахассисларининг ҳуқуқий саводхонлиги етарли эмаслиги, идора раҳбарларининг бу масалага масъулиятсизлик билан қараганлигидир.

Шаҳар корхоналаридаги ҳуқуқий ишларни мувофиқлаштириш ҳамда уларда қонунчиликни мустаҳкамлаш, моддий ресурсларни сақлаш, шартнома интизомига риоя қилишликда юридик хизмат ходимларининг ролини ошириш хусусида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу ишларни ташкил қилишда Республика Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ва шу масала юзасидан Республика Вазирлар Маҳкамасининг 177-сонли қарори ҳамда 1998 йилнинг августида қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектлар шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу Қонун ўз-ўзидан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади, унинг ҳуқуқий асосларини, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти, бошқарув органларининг шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатларини белгилайди.

Кейинги 6-7 йил мобайнида Тошкент шаҳридаги қатор корхоналарда ҳар хил баҳоналар билан юридик хизмат ходимларининг ўрни қисқартирилиши натижасида улар сони кескин камайиб кетди. Мавжуд бўлган 36,5 мингта турли мулк шаклидаги корхоналардан фақат 192 тасида 194 нафар юридик хизмат ходимлари ва 82 тасида 57 нафар адвокатлар шартнома асосида ҳуқуқий ёрдам кўрсатмоқда.

Жумладан, Шайхонтоҳур туманидаги 4100 корхона ва ташкилотлардан 10 тасида, М.Улуғбек тумандаги 4600 та ва Юнусобод тумандаги 3700 та корхона ва ташкилотлардан фақат 13 тасида юридик хизмат ходимлари учун ўрин тутилган холос.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш каби жараёнлар ҳамда уларни ҳал қилиш ҳаётий зарурятга айланмоқда. Мулкчиликнинг турли шаклидаги корхоналар бу борада муайян қийинчиликларга дуч келмоқдалар ва ҳуқуқий хизматга муҳтож бўлмоқдалар.

Қонун талаблари бўйича шартномаларини тузиш ва шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажарилишини назорат қилиш корхонадаги юридик хизмат ходимининг иштирокисиз амалга оширилмаслиги белгиланди. Қонуннинг 21-моддасида хўжалик шартномаларини имзолашга тайёрлаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки шартнома асосида жалб этилган адвокатлар томонидан ҳужжатлари қонунга мувофиқлиги текшириб кўрилиши лозимлиги ва уларнинг имзоларисиз шартномаларни тузишга йўл қўйилмаслиги назарда тутилган.

Шундай қилиб, корхона ва ташкилотларда шартномавий ҳуқуқий ишларни яхшилаш учун ҳуқуқшунос маслаҳатчи ўринларини ташкил этиш ҳамда уларнинг билим савиясини ошириш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Адлия бошқармаси шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хўжалик суди, Тошкент Давлат юридик институти билан биргаликда ўтган йилнинг июн-ноябр ойларида шаҳардаги турли мулк шаклидаги корхоналарнинг раҳбарлари, юридик хизмат ходимлари билан хўжалик шартномалари тузиш бўйича ҳар бир туман ҳокимлигида алоҳида-алоҳида ўқув машғулотларини ўтказди.

Ёқубжон БОЗОРБОЕВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Shu songa xabar

МАЪНАВИЯТ МУАММОЛАРИ – АДЛИЯЧИЛАР ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Кеча Адлия вазирлигида Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбири саволларига жавоблари юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Қонунчилик бошқармаси бошлиғи, юридик фанлари доктори Х. Одилқориев маъруза қилди. Нотиқ ўз сўзида Президентимизнинг **«Ватан, миллат тақдири ҳал бўладиган қалтис вазиятларда тўғри йўлни танлаб олиш учун аввало, тарихни ва ҳаётнинг аччиқ-чучугини билиш керак»,** деган одилона жавобларига холисона баҳо берар экан, дарҳақиқат, халқимиз зафарларини ҳам, мағлубият ва пароканда-ликларини ҳам кўриб тегишли сабоқ чиқарганини таъкидлади.

Маърузачи ўз сўзи сўнгида бўлажак сайловларни республикамизнинг барча халқи қатори ҳар биримиз демократия ҳамда келажагимиз нуқтаи назаридан, Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини юксалтириш талабидан келиб чиққан ҳолда ўтказишимиз лозимлигини қайд этди.

Шундан сўнг маъруза юзасидан қизғин мунозара бўлиб ўтди.

Йиғилишда вазирлик марказий аппаратининг барча ходимлари иштирок этдилар.

О.ХУДОЙБЕРДИЕВ

Prokuror minbari

ЕР ЭЪЗОЗГА ЛОЙИҚ

ёки уни қонунсиз эгаллаб олганлар ҳақида

Ерни халқимиз онага қиёслайди, ардоқлайди. Қиёслашда маъно бор, ҳикмат кўп. Она замин одамларни боқади, кийинтиради. Эл дастурхонининг ноз-неъматлар билан тўкин бўлиши, халқ турмуш фаровонлигининг ошиши ердандир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I чақириқ XI сессиясида «Ер тўғрисида»ги Қонуни зади. Уюшма деҳқон хўжалигига шартнома асосида ижарага 19 гектар ер ажратиб беради. 1997 йилда «Қосимбек» деҳқон хўжалиги ана шу майдонга пахта экиб, 46,4 тонна ҳосил топшириши шартномада қайд қилинади.

Деҳқон хўжалиги бошқайта ишланиб, умумхалқ муҳокамасидан ўтган «Ер кодекси» қабул қилинди. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ислоҳотларини чуқурлаштиришга доир қонун ҳужжатлари - «Қишлоқ хўжалиги кооператив (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар кучга киритилди. Улар ерни ўзига инъом-эҳсон ҳисоблаб билганини қиладиган, қонунсиз эгаллаб фойдаланмоқчи бўлганларнинг пайини шубҳасиз қирқади.

Фахриддин Қосимов Ислом шоир номли деҳқон хўжаликлари уюшмасида ишларди. У «Қосимбек» деҳқон хўжалиги туфахриддиннинг тутими сабоқ бўлиши керак. Акс ҳолда оқибати вой бўлади. Ф.Қосимов туман судининг ҳукми билан олти йилга жиноий жавобгарликка тортилди.

Қишлоқларда акционерлик жамиятлари, кичик корхона, хусусий фирмалар ташкил этилиб, фаолият кўрсатмоқда. Бу яхши, албатта. Улар фойдаланаётган ерлар хўжалик ҳисобидан чиқарилиб, жамият, кичик корхона ёки хусусий фирма ҳисобига вақтида ҳужжатлаштирилиши керак. Шундай қилинса, ердан фойдаланиш талаблари бузилмайди.

«Ўзбекистон» савдо ишлаб чиқариш акционерлик жамияти раиси Ҳасан Тўраев жамият ер майдонини хўжаликдан ажратишга доир ҳужжатларни тайёрлашга бепарволик қилган. 31 сотих ер майдони жамият томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб келинган.

«ЖОМ» хусусий фирмасига савдо шахобчаси қуриш учун 5 сотих майдонга рухсат этилган. Ердан истаганимча қўшиб оламан деган ниятда фирма бошлиғи Абрўй Жиянов хусусий фирма ҳовлисини 27,7 сотихга етказганлиги аниқланди. Қойил-е!

Ҳақли савол туғилади. «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раҳбарлари (бошқарув раиси Ш.Қодиров) нега бепарво бўлишди?

Ўқитувчиларни қишлоқнинг энг обрўли, онгли зиёлиси сифатида қадрлаймиз. Ҳурматини жойига қўямиз. Тўй-маъракаларда тўрга ўтқизамиз. Муаллим юришturishи, одоби-ю, муомаласи, ҳар бир қилган иши билан атрофдагиларга намуна бўлиши лозим. Шундай устозларга фарзандларимиз ҳавас қилади. Уларнинг ортидан эргашади. Ўқитувчи тўғрилик, ҳалоллик, адолат ва ҳақиқат ҳақида гапирса-ю, ўзи амал қилмаса-чи? Кўриб турган ўқувчи маънан мажруҳ бўлиб ўсмайди, деб ким кафолат беролади?!

Навоий номли жамоа хўжалигида текшириш ўтказилиш чоғида Қозоёқли қишлоғида истиқомат қилувчи олий маълумотли ўқитувчи Шоназар Бекназаров томонидан Ўзбекистон Республикаси ер тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилаётганлиги аниқланди. Ш.Бекназаровнинг ҳовли-жойи 17 сотих. Унга ва ўғли Дилшод Бекназаровга жамоа хўжалиги томонидан 28 сотих қўшимча томорқа берилган. Ш.Бекназаров ўзбошимчалик билан яна 12 сотих ерни эгаллаб олган. Жами 57 сотих ердан фойдаланиб келган. Буниси етмагандек, ҳовлидан ташқаридаги 40 сотих томорқани 103 метр узунликда пахса девор билан ўраган. Бутунлай ўзимники бўлиб қолсин, деган ҳотамтойлик билан икки хонали иморат ҳам қурган. Хўжалик мутахассислари муаллимга нотўғри қилаётганлигини айтиб, огоҳлантиришган. Аммо у қулоқ солмаган. Билганидан қолмаган Ш.Бекназаровнинг ерни қонунсиз эгаллаб олганига барҳам берилди. Етказилган 14649 сўм 20 тийинлик зарар суд қарори билан хўжалик фойдасига ундирилди.

Ота-боболаримиз азалда йўл ва кўприк қуришни қатта савоб ҳисоблашган. Йўлларни кенгроқ бўлишини ёшларга маслаҳат берган. Кўча ва йўлларимизнинг равонлиги, иморатларимизнинг бир текис, шинам қурилганлиги ма-

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент Давлат юридик институти қуйидаги кафедралар бўйича вакант лавозимлар учун ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи (доцент, ўқитувчи - 1 та тўлиқ ўрин).
2. Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви (доцент, ўқитувчи - 1 та тўлиқ ва 0,5 ставка ҳажмида).
3. Жиноят ҳуқуқи (доцент, ўқитувчи - 1 та тўлиқ ва 0,5 ставка ҳажмида).
4. Фуқаролик ҳуқуқи (доцент, ўқитувчи - 2 та тўлиқ ўрин).
5. Фуқаролик жараёни (доцент, ўқитувчи - 1 та тўлиқ ва 0,5 ставка ҳажмида).
6. Хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи (доцент, ўқитувчи - 1 та тўлиқ ўрин).
7. Чет тиллари (доцент, ўқитувчи (инглиз тили) - 2 та тўлиқ ўрин).
8. Ўзбек тили ва адабиёти (доцент, ўқитувчи - 1 та тўлиқ ўрин).
9. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (доцент, ўқитувчи - 2 та тўлиқ ва 0,5 ставка ҳажмида).
10. Жиноят жараёни (доцент, ўқитувчи - 0,5 ставка ҳажмида).

ЕР ЭЪЗОЗГА ЛОЙИҚ

(Давоми. Боши 1-бетда)

даниятимиз белгиси. Ўтган йил ноябр ойида халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида юртбошимиз И.Каримов кўча ва иморатларнинг шинам, бежирим қурилиши аҳоли турмуш маданияти белгиси эканлигини куйиниб гапиргандилар. Айни дилимиздаги гап.

«Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг 7-бригадасидаяшовчи Хуррам Мамараҳимов деган шахс етти сотих ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган. Унинг икки ярим сотихи жамоат фойдаланадиган йўл Х.Мамараҳимов йўл устига чиқариб шахсий чорва моллари учун огилхона ва айвон қурган.

«Қовун қовундан ранг олар»кан. Х.Мамараҳимовнинг қўшниси Муҳиддин Суюнов ҳам томорқасини йўл устигача «сурган». Ариқни силжитиб йўлдан 1,8 сотихини эгаллаган. Ҳар иккала қонунбузарга нисбатан маъмурий чора кўрилди. Ушбу ҳолат юзасидан прокуратура томонидан Чақар қишлоқ фуқаролар йиғинига тақдимнома киритилди.

Қиссадан ҳисса шуки, ҳар қарич ер ҳисобли. Ерни ўзига инъом-эҳсон деб билган ёки уни қонунсиз эгаллаб олганлар чучварани хом санайдилар. Ер қонунчилигининг ҳар қандай бузилишига нисбатан чора кўрилади, жазо қўлланилади.

Акмал ИМОМОВ,
Нарпай туман прокурори,
адлия маслаҳатчиси

ТОКИ ОДАМЛАР ФАОЛ, ҲУРФИКР БЎЛСИН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Агар шундай механизмга эришиш мумкин бўлса, аввало давлат ютади, яъни камчиликларни бартараф қилиш, жамиятни ҳар томонлама равнақ топтиришда давлат беминнат, айни чоғда ўз-ўзини бошқарувчи, таъминловчи ёрдамчиларга эга бўлади.

Адлия вазирлигининг маълумотларига қараганда ҳозирги кунда 1517 жамоат бирлашмалари, 2000 атрофида диний ташкилотлар, 5 та сиёсий партиялар рўйхатга олинган. Бу ташкилотлар фаолияти Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари билан тартибга солинади.

Энди нодавлат ташкилотнинг асосий белгилари нималардан иборат, деган саволга жавоб берсак. Бундай ташкилот давлатдан ажралган ҳолда мавжуд, у мустақилдир, яъни ҳукумат ва бошқарув тизимининг таркибий қисми эмас. Нодавлат ташкилоти ўз-ўзини бошқаради. Ўз фаолиятини назорат қилади. Ҳақиқий нодавлат ташкилотининг афзаллиги ҳам шундаки, улар давлат томонидан ташкил этилган ва мудом текширилиб турилувчи ва ҳадеганда қўлга тушиб «урилиб» кетувчилардан кескин фарқ қиладилар. Чунки унинг аъзоларини ўзларининг шахсий эҳтиёжлари эмас, умумий эҳтиёжлар бирлаштирган. Шунинг учун ҳам улар фаолиятлари натижаси бўлган фойдани ўзаро бўлиб олмайдилар. Балки уни низомларидаги мақсадларга сарф қиладилар.

Нодавлат ташкилотининг энг жозибали томони шундаки, унинг аъзолари фақат кўнгиллилардан иборат ва бу кўнгиллилик мажбурийликка айланиб кетишига йўл қўйилмайди. Албатта, бу ўринда энг мукаммал, ниятлари халққа холис хизмат қилишдан иборат бўлган нодавлат ташкилоти назарда тутилмоқда.

Нодавлат ташкилоти қуйидаги шаклларда мавжуд бўлиши мумкин: матлубот жамияти, жамоат бирлашмаси, жамоат жамғармаси, жамоат муассасаси, ассоциация ва иттифоқлар, уюшмалар, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш ташкилотлари.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси жаҳондаги энг мукаммал қомуслардан бири сифатида эътироф этилаётганига барчамиз гувоҳмиз. Жамоат бирлашмаларига муносабат Конституциямизда одилона ва оқилона ҳал этилган. Асосий қонуннинг 58-моддасида «Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди», деб белгилаб қўйилган. Ушбу моддадаги аралашмаслик сўзининг маъносини ҳамкорлик қилмаслик маъносида тушунмаслик жоиздир. Шунингдек, давлат ва нодавлат ташкилотларининг бир-бирларидан чўчишларига ҳам бу модда сабабчи бўлмайди. Ишлашни истайдиган ҳар қандай шахс баҳона эмас, имконият излаши керак. Хавотир эса одамдаги билмаслик, бехабарлик ва нотанишликдан келиб чиқади.

Албатта, жамоат ташкилотининг давлат рўйхатидан ўтмаганлиги, унинг ниятларида зимдан қилинадиган алланималарнинг мавжудлиги бундан мустаснодир. Урушни соғинувчи, миллий, ирқий ва диний адоватлар асосида бирлашмоқни мақсад қилганларга Конституциямиз йўл бермайди. Халқимиз қалбига ҳам бундай кишилар йўл топа олмайдилар. Меҳнатсевар ва оқкўнгил, тинчликка камарбаста ва инсонпарвар халқимиз фарзанди бўла олсак, халқимиз табиати бизга яхшилик ва олийжанобликнинг энг маъқул йўлини кўрсатиб бераверади.

Азамат ИБРАГИМОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими,
Маҳмуд БЎРОН,
«Инсон ва қонун» мухбири

Prokuror naszorati

ИШ ҚУРОЛИНГ СОЗ БЎЛСА...

Қишлоқ хўжалигимизни техникасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Техникасиз деҳқон, қўл-оёқсиз одамга ўхшайди. Эскиларда бир гап бор. «Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур». Ҳадемай, қиш ойлари тугаб, баҳор эшик қоқади. Юртимизда ризқу рўзи бўлган пахта, макkажўхори қўйингки, режадаги барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилиши керак. Албатта, бу ишларга яроқли техникалар зарур.

Ҳозирги кунларда қишлоқ хўжалик техникаларининг аҳволи қандай, баҳорги мавсумга шайми? Шу масалаларга жавоб топиш мақсадида Охунбобоев тумани прокуратураси ходимлари жамоа хўжаликларига чиқишиб, текширишлар ўтказди.

Дастлабки текширишлар А.Отабоев номли жамоа хўжалиги техникаларини вақтинча сақлаш ва таъмирлаш парки текширилганда қишлоқ хўжалик техникаларининг аҳволи мутлоқ талабга жавоб бермаслиги аниқланди. Мавсумдан бўшаган пахта териш машинасининг 3 таси даладан қандай келтирилган бўлса, шундай очиқ аҳволда қор-ёмғирлар остида ётибди. Ер ҳайдаш омочлари ҳам очиқ ҳолда тартибсиз ташлаб қўйилган. Кўрак чувиш машинасининг ғилдираклари кўтариб қўйилмаганлиги туфайли шиналари ҳам ишдан чиқиш арафасида.

Шунингдек, А.Яссавий номли жамоа хўжалиги трактор паркида ҳам аҳвол А.Отабоев номли жамоа хўжалигиникидан қолишмайди. Трактор паркида санитария ҳолатлари ҳам яхши эмас, мавсумдан бўшаган 10 та экиш сеялкаси ва 8 та культиватор очиқ ҳолда қолдирилган. Бундай камчиликларни тумандаги «Ўзбекистон», М.Умаров номли «Дўрмон» жамоа хўжаликларида ҳам учратиш мумкин.

Хўш, жамоа хўжаликларида аҳвол шундай экан, бунга ким айбдор, деган табиий савол туғилади.

Техникаларни шу аҳволга солиб қўйган биринчи хўжалик раҳбари, кейин бошқалар, қолаверса, шу техника орқасидан бола-чақасини боқаётган тракторчи ёки ҳайдовчи...

Шундай экан, халқ пулига келган техникаларни қаровсиз қолдириш, эл ризқини қийиш деган гап.

Сизни юрт каттаси қилиб, халқ сайлаб қўйибди, аравани тортиш керак, торта олмасангиз йўлдан четга чиқинг, деган даврлар келди. Қачонгача прокуратура томонидан техниканги у ери чатоқ, бу ерини созла, дейилади. Эртадан кейин пайтавангизга қурт тушганда, ғалвир сувдан кўтарилганда важ-карсонингизни кимга айтасиз!

Эрдавлат ОДИЛОВ,
ҳуқуқшунос

Tahririyatga xat

НИЗОГА НУҚТА ҚЎЙИЛДИ

Ўтган йил ноябр ойида урганчлик Марҳабо Каримова таҳририятимизга шикоят хати билан мурожаат этиб, ҳовли-жой масаласида Хоразм вилоят судида кўрилиб, чиқарилган ҳал қилувчи қарордан норозилигини баён қилган эди. Маълум бўлишича, Урганч шаҳар, Некрасов кўчасидаги 1-тупикда жойлашган 9-уй М.Каримованинг укаси Бахтиёр Каримовга тегишли бўлиб, Урганч шаҳар ижроия қўмитасининг 1989 йил 20 июндаги қарорига биноан бу турар жой бузиладиган бўлган ва уларнинг оиласига ер майдони ажратилган ҳамда улар алоҳида уй қуриб, чиқиб кетган. Жанжалга сабаббўлган уйда эса Б.Каримовнинг ўгай онаси К.Жабборова икки нафар фарзанди билан рўйхатда бўлиб, шу ерда яшаб қолган. Марҳабо Каримова бу уйда яшамаган бўлса-да, 1996 йил К.Жабборова уйда йўқ пайтда рухсатсиз кириб, жойлашиб олган...

Хуллас, ҳовли-жой, мерос талашиш билан боғлиқ бундай можаролар турмушда тез-тез учраб туради. Ва ажабланарли жойи шундаки, бундай ҳолатларда ҳеч ким ўзини ноҳақ деб ўйламайди. Фақат одил суднинг холис таҳлили ва адолат юзасидан чиқарган қароригина муаммога сўнгги нуқта қўйиши мумкин.

М.Каримова шикоят хатида К.Жабборованинг ўз оилаларига қай тариқа қўшилганидан ҳовли-жойга эгалик қилишгача кечган воқеаларни батафсил баён этган. Бу борада нима ҳам дердик, ҳар ким экканини ўради. Ҳаёт мантиғи шундайки, бу дунёда ҳар ким ўз қилмишига яраша топади. Қонун эса аниқ факт ва далилларга асосланиб ҳукм чиқаради. Бу ҳамма учун баробар.

М.Каримова шикоят хатини бизнинг таҳририятимиздан ташқари яна республиканинг бир қанча ваколатли идораларига ҳам йўллагани боис хат жавобини энди эълон қилаяпмиз. Мазкур иш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий судидан фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси вазифасини бажарувчи С.Эшонқулов имзоси билан олинган жавобда иш кассация тартибида Олий судда кўрилгани маълум қилинган ва натижалари қуйидагича баён этилган:

«...Судда аниқланишича, 1994 йил 10 декабрда акангиз Б.Каримов билан Сиз (М.Каримова - **Таҳ.**) ўртангизда ҳадя шартномаси тузилган бўлса-да, бу шартнома нотариал идорасида охиригача етказилиб, тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳолда тузилган эмас.

Худди шундай Б.Каримов ва К.Жабборова ўртасида 1994 йил 12 декабрдаги ҳадя шартномаси ҳам тегишли тартибда расмийлаштирилмаган. Шу сабабли улар бирор ҳуқуқий оқибатни келтириб чиқармаслиги ҳақида вилоят суди тўғри хулосага келган.

Сиз бошқа турар жойда яшаб, Б.Каримованинг рухсатисиз низоли уйга кириб олганингиз ва бу уйга нисбатан бирор ҳуқуққа эга бўлмаганингиз туфайли, Сизни кўчириш ҳақида асосли қарор чиқарилган...

... Қайд этилган ҳолатлар ва аниқланган далиллар йиғиндисига кўра суд томонидан мазкур низо бўйича тўғри қарор чиқарилган ва уни бекор қилишга асослар мавжуд эмаслиги маълум қилинади».

Биз ушбу расмий жавобни, унинг бир нусхаси таҳририятимизга шикоят хати билан мурожаат этган М.Каримованинг қўлига аллақачон етиб борганини инобатга олиб, жузъий қисқаришлар билан эълон қилдик. Мақсадимиз бу жавоб билан фақат хат муаллифини хабардор қилиб қўйиш эмас, балки ҳар қандай низоли масалаларда қонун устуворлиги бирламчи эканини таъкидлашдир. Фуқароларимиз ваколатли идораларга талаб ва даъволар билан мурожаат этишганда уларнинг ҳақ ёки ноҳақ эканликлари арз-додларига эмас, балки қўлларидаги аниқ далил-ҳужжатларнинг қай даражада қонуний эканига боғлиқлигини унутмасликлари лозим.

ТАҲРИРИЯТ

Qilmish-qidirmish

ТАЪМАНИНГ ТАЪМИ ТАТИМАДИ

«Оқдарё» ўрмон хўжалигининг ташкил этилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Мақсад: ўрмонзор барпо қилиш, келгусида ёғоч тақчиллигини камайтириш, дарёни емирилишдан қутқариш, табиат мусаффолигини сақлаш...

Хўжаликлардан ўрмон хўжалигига олиб берилган экин майдонларининг бир қисмида деҳқончилик қилиш мумкин. Бунинг учун фақат ижарачи билан ўрмон хўжалиги ўртасида шартнома тузилиши керак.

Каттақўрғонлик И.Алибоев билан М.Элмуродова шоли экиб, деҳқончилик қилишни ихтиёр этишади. Шу ниятда ер ахтариб бир неча марта ўрмон хўжалигига боришади. Танимасни сийлашмас экан. «Марҳамат, мана ер экаверинглар» деб жой кўрсатишмайди. Кўп оворагарчиликдан сўнг уларга ҳеч қаерда ишламайдиган Комил Муродов билан Иштихон тумани бўрдоқичилик корхонасига қарашли Ўрол бобо Ўроқов номидаги деҳқон хўжалиги раиси Улуғмурод Ўроловлар ер олиб беришга «бел боғлайди»лар.

- Бекорга мушук офтобга чиқадими, - дейди улар кейинги сафар учрашишганда. - Аввал ўрмон хўжалиги раиси С.Зиёдуллаевни рози қилиш керак. Биз ҳам қуруқ қолмасмиз. Шоли баҳона курмак ҳам сув ичади-ку? Оладиган ҳар гектар еригизга ўн минг сўмдан берасизлар. Раис рози.

Ўтган йил кўкламининг оддий кунларидан бирида К.Муродов ва Ў.Ўроловлар ўрмон хўжалиги раиси С.Зиёдуллаев томонидан жимжимадор қилиб имзоланган шартнома бланкаларни Каттақўрғон шаҳар, Бухоро кўчаси, 3-уйга олиб борадилар. Шоли экиш учун 15 гектар ер ажратилганлиги ҳақида С.Зиёдуллаев ҳамда фуқаролар Иброҳим Алибоев, Шерзод Элмуродов ўрталарида тузилган шартнома ва шартномага иловаларни расмийлаштирадилар. Ҳар гектар ер учун 10 минг сўмдан 150 минг сўм, бошқа хизматларга 17 минг сўм пул пора тариқасида олинаётганида воқеа жойида ички ишлар ходимлари кириб келишади.

Ҳеч қаерда ишламаган К.Муродов тирикчилик илинжида таъмагирлик йўлини танлагандир. Аммо С.Зиёдуллаев билан Ў.Ўроловларга нима кам? Бир йигитга арзигулик мансаб, обрў шунчалик бўлар-да. Таъманинг таъми татимади. Жиноятнинг интиҳосини қонун белгилади.

Самарқанд вилоят суди А.Халилов раислигида ўтган очиқ суд мажлисида ушбу жиноий ишни кўриб чиқди. Ўзбекистон Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан айбли, деб топилган С.Зиёдуллаев ўн уч йилга, К.Муродов ўн бир йилга, Ў.Ўролов ўн йилу олти ойга озодликдан маҳрум этилди.

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Ajabo!

«ҚЎЙ ОҒЗИДАН ЧЎП ОЛИШГАН ЭКАН»

Далил ва рақамлар жуда ўжар, дарҳол оқинооққа, қорани-қорага ажратади. Ҳар қандай уддабурон ҳам улар олдида лол бўлиб қолади.

Солиқчилар Муборак туманидаги «Таъминот-2» корхонасида бўлганларида унинг раҳбарлари ўзларини қўйнинг оғзидан чўп олмаган кишилардек кўрсатишди. Бундан ҳатто текширувчилар ҳам аввалида мамнун бўлишди. Аммо ҳужжатлар бирма-бир кўрилганда ноқонуний ишлар ўзини «мана мен» деб намойиш қила бошлади. Қўйинг-чи, бажарилмасдан уддаланди, деб расмийлаштирилган, ортиқча ҳақ олинган ишлар миқдори 2045000 сўмни ташкил этди. Мутахассислар туманидаги «АКТ Саховат» корхонасида 537773 сўм, «Саратон» хусусий фирмасида 23061 сўм қўшиб ёзишга йўл қўйилганлигини аниқлашди.

Хўш, бу корхона раҳбарлари нега кўра била туриб бундай қалтис ишга қўл урдилар? Кунлардан бирида айблари очилиб қолса, эл олдида шарманда бўлишдан чўчимадиларми? Энди буёғи нима бўлади? Ҳеч қандай жиноят жазосиз қолмайди. Уларга баҳони ҳуқуқ-тартибот органлари беришади.

Қ. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Қашқадарё вилояти

Mulohaza

ДАН ва МАН

Биз буюк истиқлолимизнинг саккизинчи йилига қараб илдамлаб бораяпмиз. Шу вақт мобайнида қўлга киритган ютуқларимиз, айниқса, миллий мафкура, ҳуқуқий онг ва маданият соҳасида кўп силжишлар рўй берди. Айни пайтда биз буюк ўзгаришлар силсиласида турибмиз. Энг муҳими, юртбошимиз кейинги пайтларда эълон қилган Фармонларида кўтарилган масалалар халқимизнинг кўнглидаги гап бўлиб, улар ўз ечимини топаяпти.

1998 йил 14 ноябрида эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат автомобил назорати ходимларининг масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бунга яққол мисол бўла олади. Оддий бир ҳайдовчи сифатида бу қарорни жуда мамнуният билан кутиб олдим. Ҳақиқатан ҳам айрим (ҳаммаси эмас) ДАНчилар орасида калондимоғлик касалига йўлиқиб, йўловчиларга нисбатан дағал муносабатда бўлаётганлари учраб туради. Тўғрисини айтиш жоизки, аслида ДАНчилар йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўпроқ серқатнов кўчаларда (айниқса, йўлчироқ атрофида) хизматда туришлари керак. Бироқ уларнинг айримлари йўл ҳаракати хавфсизлигини эмас, балки ҳайдовчиларнинг қоида бузишини кутиб туришади. Келишолсангиз ДАНчиларимиз ҳамёнига, бўлмаса давлат хазинасига жарима тўлайсиз. Бу бор гап. Тан олиш керак, давлат автомобил назорати ходимлари орасига «адашиб» кириб қолганлар сўзлашиш маданияти у ёқда турсин, ҳатто баённомани тўғри ёзолмайдилар.

Бир куни шахсий машинамда катта кўча бўйлаб ишга кетаётиб ҳамроҳимни Ҳамид Олимжон номидаги метро бекатига тушириб қолдирдим. Юз эллик метр чамаси юрувдим ҳамки, ДАН ходими менга таёқчасини кўтариб «Тўхтанг» ишорасини қилди. «Йўл қоидасини буздингиз, баённома ёзаман, тўхташ тақиқланган жойда тўхтадингиз», деб қолди у. Ваҳоланки, мендан олдинда кетаётган «Жигули» ҳам ўша ерда тўхтаган эди. Унга индамадим. (Мен бошқараётган машинанинг давлат рақами вилоятлардан бирига тегишли эди). Қоидани бузган бўлсам, нега олдингагини тўхтатмадингиз, дедим. У «бу мени ишим» деди-ю, машинанинг олди ўриндиғига ўтириб, баённомани қўлига олди. «Ёзаман, ёзаман» деб икки бор такрорлади ва бир нима таъма қилгандай тиржайди. «Қоида бузилган бўлса, майли ёзинг», дедим. Ўзини лейтенант У.М. деб таништирган ДАН ходимининг баённомада ёзганларини ўқиб чиқдим. Не кўз билан кўрайки, ўзбекча битилган бор-йўғи бирикки жумла ғиж-ғиж имловий хато ва ғализ ёзилган эди.

Шу сатрларни ёзаётиб, машҳур адибимиз Абдулла Қаҳҳорнинг сўзлари ёдимга тушди: «Кўчада йўл ҳаракати қоидасини бузсангиз, милиционер «Қоидани буздингиз, жарима тўланг», дейди. Нега биз тилимизни бузиб гапирганларни жаримага тортмаймиз?»

Аттестация ҳайъати ДАНчиларнинг ёзув-чизуви ва тил маданияти қай даражада эканлигига ҳам эътибор берсалар, чакки бўлмасди.

Ўтган йилнинг ёзида қизиқ бир воқеани эшитиб қолгандим. Жиззах вилоятининг қайси бир туманида асаларичилар бир неча қути асалариларини йўлда олиб кетаётганда ДАНчилар уларни асоссиз узоқ вақт тўхтатиб қоладилар. Ёзнинг жазирама иссиғига дош беролмаган бир неча оила «қулоқсиз асаларилар» инини тарк этиб учиб кетади. Хўш, бунга ким айбдор?

Яқинда адабиётшунос олим, профессор Бегали Қосимов билан суҳбатлашиб қолдим. У Германияда анча вақт сафарда бўлганини, кўчаларда бирорта ДАНчига кўзи тушмаганини гапириб берганди. Профессорнинг айтишича, у ердаги ҳайдовчиларнинг деярли ҳаммаси йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қиларкан. Пиёдалар машина бўлмаса-да, йўлчироқнинг то яшили ёнмагунча кўчани кесиб ўтмас экан.

Бизда эса айрим пиёдалар ҳаётини хавф остида қолдириб, рўпарадан турнақатор бўлиб келаётган машиналар оқимини ёриб ўтишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг бу қалтис ҳаракати нафақат ҳайдовчига, балки ўзларига ҳам қимматга тушишини наҳотки билмасалар?!

Айни шу кунларда ҳаракат хавфсизлиги ойлиги ўтказилаяпти. Айтиш керакки, бу вақтинчалик ўтиб кетадиган чора-тадбир бўлиб қолмасдан, балки узлуксиз давом этадиган анъанага айланиши зарур.

Азамат СУЮНОВ

Мамлакатимизда 20 январдан 20 февралгача Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда

«Ҳаракатланиш хавфсизлиги» ойлиги арафасида Қашқадарё вилоятининг Қарши-Китоб йўли билан Ғузор-Чим-Еттим йўли кесишган. Чорраҳада Қашқадарё вилояти ДАН бошқармасига қарашли Чим ДАН маскани фаолият кўрсата бошлади. Бу ерда энг аввало йўл ҳаракатини тартибга солувчи светофор ўрнатилди. Бу чорраҳа ниҳоятда гавжум бўлиб бир томондан вилоят техникалари тўхтовсиз ўтиб турса, иккинчи тарафдан Тошкент-Термиз йўли орқали ўзаро ҳамдўстлик мамлакатлари, Россия, Тожикистон, Озорбойжон, Арманистон, Грузия, шунингдек, Эрон, Туркия мамлакатларидан машиналар бетўхтов ўтиб туради. ДАН постига йўл ҳаракати катта нозири катта лейтенант Эргаш Шойимов раҳбарлик қилмоқда (юқоридаги сурат). Пост ходимлари «Хавфсизлик ойлиги»да ҳар бири 120 тадан қоидабузарликни аниқлашди.

Пастдаги суратда эса Қашқадарё вилоят ДАН бошқармаси бошлиғи вазифасини бошқарувчи Рўзиқул Курбонов.

Эшмурод Мирзаев олган суратлар.



Qaror va ijro

МАЪНАВИЯТ ВА МАДАНИЯТ МАСЪУЛИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобил назорати ходимларининг масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» қарори ДАН ходимлари иш фаолиятида туб бурилиш ясади. Ҳукуматимизнинг 1998 йил 14 ноябрдаги 474-сонли бу нуфузли қарорига асосан Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси давлат автомобил назорати бошқармаси томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Мухбиримиз вилоят ДАН бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи милиция майори Рўзиқул ҚУРБОНОВ билан айни шу мавзуда суҳбатлашди.

- Ҳукуматимизнинг айни вақтда қабул қилинган бу қарори ўтган 1998 йилнинг ноябр, декабр ойларида вилоят ДАН тизими барча ходимларининг билим савиялари, маданияти, турмуш тарзи ўрганиб чиқилиб, уларнинг ҳар бирига шаҳодат матнлари тузилган бўлиб, бошқарма бошлиғининг буйруғига асосан ходимларни навбатдан ташқари шаҳодатдан ўтказиш тартиби ва жадвали ишлаб чиқилди. Шаҳодатдан ўтказиш жараёнида асосий эътибор ходимнинг малакаси, маданияти, дунёқараши, оиласи, маҳалласида ўзини тута билиши, маълумоти, эгаллаб турган лавозимига мослигига қаратилмоқда. Бугунга қадар ДАН ходимларининг 171 нафари шаҳодатдан ўтказилиб, улардан 21 нафари ДАН ходимига қўйилаётган талабларга жавоб бера олмаганлиги сабабли милициянинг бошқа хизмат соҳаларига ўтказилди. Шу жумладан, 2 нафар ходим умуман ички ишлар идораларида хизмат қилишга нолойиқ деб топилди. Шунингдек, қарор ижросини таъминлаш мақсадида ва йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш учун ДАН бошқармаси ходимлари билан вилоятдаги йирик корхоналар, шу жумладан, «Каштекс», «Санам», «Қаршиқурилиш», «Қаршисаноатқурилиш», «Қаршитехнологик транспорт» ҳиссадорлик жамиятлари, «Қашқадарётранс» бирлашмаси ва бошқа ташкилотларда ишловчилар билан учрашувлар, вилоят ва Қарши шаҳар телевидениелари орқали мулоқотлар уюштирилди.

Шунингдек, Қарорда кўрсатилганидек, ходимлар томонидан йўл ҳаракати иштирокчиларига нисбатан ноўрин муомалада бўлиш, ҳуқуқбузарликларни нотўғри расмийлаштириш ҳолатларини аниқлаш мақсадида уларнинг устидан белгиланган режалар асосида норасмий текширувлар олиб борилмоқда ва аниқланган хизмат фаолиятидаги нуқсонлар шахсий таркиб ўртасида ўрганиб чиқилиб, тегишли чоралар кўрилмоқда.

- Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги қандай ўтказилмоқда?

- Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил январдаги фармойишига асосан вилоятимиз ҳудудида ҳам «Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги» уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Шу мақсадда биз томонимиздан шу йилнинг 20 январидан 20 февралига қадар алоҳида режа ишлаб чиқилиб, ойлик давомида вилоятдаги барча транспорт хўжаликларида профилактик тадбирлар, маҳаллалар, мактаблар, ўқув юртлари ва болалар боғчаларида ҳар хил суҳбатлар, викториналар ташкил этиш, вилоятимиз йўлларидаги аҳвол ҳақида телевидение, радио ва газеталар орқали чиқишлар ташкил қилиш мўлжалланган ва амалга оширилмоқда. Тадбир давомида шу кунга қадар жами 6554 нафар йўл ҳаракати қоидабузарлари аниқланган. Булардан 156 нафари транспортни маст ҳолатда бошқарган ҳайдовчилар, 478 нафари қоидабузар пиёдалардир. Бундан ташқари транспорт воситаларининг тахтлиги ҳолати ва асрабавайлаб сақланиши учун масъул бўлган 9 та мансабдор шахсга баённомалар тузилиб, текширув тартибида чора кўрилди.

Суҳбатдош:
Ғози РАҲМОН

Vohkim!..

«Сичқоннинг ини минг танга»...

...деган нақл «оқ ажал» савдоси билан бойиб, жаннатни орзу қиладиганларга тааллуқлига ўхшаб қолди-ёв. Кўшни Қирғизистон Республикаси фуқаролари Бекболот Кожамқулов ва Мустафа Урунбоевлар шундай қалтис вазиятда сичқон инини излаб қолишди.

«Тошкент-Волгоград» йўналишида қатновчи йўловчи поезднинг 7-вагонида кетаётган Б.Кожамкулов ва М.Урунбоевлар «Жомбой-Самарқанд» темир йўли бекатида милиция ходимлари Т.Назаров, З.Тўрақулов, А.Исоқовларга шубҳали бўлиб кўринадилар. Ўшлик меҳмонлар юки текширилганда, улар ўзлари билан олиб кетаётган аравачанинг ён трубаларига 192 грамм гиёҳванд моддаси - героин жойлаштирилганлиги аниқланди.

Ўтган йил ёзида Б.Кожамкулов номаълум шахсдан фойда олиш мақсадида 800 АҚШ долларига гиёҳванд моддани харид қилган экан. Кейинчалик жиноий ишига ҳамшаҳари М.Урунбоевни ҳам шерик қилади.

Милиция ходимларининг ҳушёрлиги билан яна бир жиноят ўз вақтида фош қилинди. «Оқ ажал»ни пуллаб бойимоққа ҳавасмандлар Б.Кожамкулов ва М.Урунбоевларнинг ҳар бири 17 йилдан жиноий жавобгарликка тортилдилар. Мол-мулклари эса давлат фойдасига мусодара қилинди.

Ҳамид ЭГАМ

Huquqiy davlat quramiz

ТАЪЛИМ СИФАТИГА МАСЪУЛМИЗ

XX аср ўз ниҳоясига етай деб қолди. Навқирон мамлакатимиз босиб ўтган қисқа вақт ичида давлатчилик асосларини қуришда, иқтисод, маданият, фан ва техника соҳаларида салмоқли ютуқларни қўлга киритиб, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди.

«Давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири, - дейдилар юртбошимиз Ислом Каримов, - **бу - маънавий жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш, таълим ва маориф тизимини такомиллаштириш, миллий уйғониш ғояси асосида маънавий ва руҳий жиҳатдан янги авлодни вояга етказишдир».** Дарҳақиқат, бугунги кун талаблари илм-фан ва маориф ходимлари зиммасига масъулиятли вазифаларни юклайди.

Мустақиллик шарофати билан 1991 йилда ташкил топган Тошкент Давлат юридик институти жамоаси ҳам Олий Мажлис сессиясида тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги демократик жамият қуриш жараёнига, бунинг учун лозим бўлган юқори малакали мутахассисларни тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Институт профессор-ўқитувчилари ҳамда талабаларига ҳукуматимиз раҳбари ташаббуси билан ўқиш ва ўқитиш учун қулай шароитларга эга бўлган бино ажратилди. XIX аср меъморчилик ёдгорлиги сифатида рўйхатга олинган ушбу тарихий бино 1997-1998 йилларда тўла таъмирдан чиқарилиб, мамлакатимиз олий таълим тизими ва жаҳон талабларига ҳам жавоб берадиган масканга айланди. Институт талабалари жорий ўқув йилини янги таъмирдан чиққан кенг ва ёруғ аудиторияларда бошлаш имкониятига эга бўлдилар.

Бугунги кунда институтнинг барча хоналари компьютер ва бошқа техник воситалар билан жиҳозланди. Шу билан бир қаторда махсус компьютер маркази ҳам фаол ишлаб турибди. Бу ўқув жараёни сифатини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Ҳар кунги дарслар Ўзбекистон Республикасининг мадҳияси билан бошланиши талабаларнинг ўз мамлакатига, унинг рамзларига, халқига бўлган ҳурмат ва эътибор туйғусини шакллантириб бориши шубҳасиз.

Институт қошида фаолият олиб бораётган Республика ҳуқуқий маданият тарғиботи Маркази ишида деярли барча профессор-ўқитувчилар иштирок этишмоқда. Мазкур Марказ ташаббуси билан қатор учрашувлар, республика матбуоти, радио ва телевидениеси орқали чиқишлар уюштирилди. Унинг моддий ва маънавий раҳнамолиги остида бир қатор ҳуқуқий мавзуларга бағишланган тадқиқотлар нашр этилди. Марказ институтда фаолият олиб бораётган кафедралар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг асарларида илгари сурилаётган ғояларни, ҳукуматимиз қарорларини жамоатчилик ва талабалар ўртасида кенг тарғиб этиш ишига катта ҳисса қўшмоқда.

Тошкент Давлат юридик институти спецификаси ўзига хосдир. Унда назарий билимлар бериш билан бир қаторда талабаларни амалиёт билан яқиндан таништириб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Бу йўналишда ҳам бир қатор ибратли мисолларни келтириб ўтиш мумкин. Масалан, криминалистика кафедраси амалиётда қўлланадиган кўплаб махсус асбоб ва мосламалар, баллистика назариясини ўргатиш имкониятини берадиган, амалиётдан чиқарилган ўқотар қуроллар ва бошқа жиноят жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган қуроллар намуналари, амалиётчилар билан ҳамкорликда тергов ҳаракатлари тасвирга туширилган видео кассеталарни намойиш этиш учун телевизор, видеомагнитафон, видеокамера каби жиҳозлар билан таъминланган. Жиноят жараёни кафедраси ўқитувчилари «Суд зали» ҳонасида талабалар билан «Ўқув-суд жараёнини» мунтазам равишда ўтказиб, дарс да давомида уни муҳокама қилиб борадилар. Суд-тиббий экспертиза фанидан махсус курслар руҳий беморлар касалхонасида ўтказилади. Битирувчи талабалар эса амалиётни республиканинг энг етакчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотларида ўтадилар. Махсус фанларни ўқитиш жараёнида Республика Прокуратураси, Олий Суд, Олий хўжалик суди ва бошқа муассаса ходимлари сирасидан йирик амалиётчи мутахассислар жалб этилмоқдалар.

Бугунги кунда Тошкент Давлат юридик институти АҚШ, Миср, Туркия, Буюк Британия, Иордания каби қатор хорижий мамлакатлар элчихоналари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Чет эллик дипломат ва ҳуқуқшунос олимлар талабаларнинг энг эътиборли меҳмонларидирлар. Америка юристлар Ассоциацияси ва «СОРОС» каби халқаро жамғармалар томонидан тақдим этилган икки мингга яқин ҳуқуқшуносликка оид китоб институт қошида фаолият олиб бораётган «Ҳуқуқий маълумотлар кутубхонаси»нинг асосини ташкил этди. Шуни айтиб ўтиш лозимки, бу кутубхона Ўрта Осиёда ягонадир.

Институтда ўқув жараёни сифатини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу йил жамоа томонидан сифат учун кураш, деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас. Бунга ҳамоҳанг равишда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Адлия вазирлиги ташаббуси билан яқинда институт қошида ўқув жараёни сифатини назорат қилиш инспекцияси, Ахборот ва техник таъминот, Маркетинг хизмати каби янги бўлимлар ўз фаолиятини бошлади.

Тошкент Давлат юридик институти жамоаси замон талабларидан келиб чиққан ҳолда барча куч ва ғайратини Ватанга садоқатли фарзанд ва ҳуқуқтартибот органлари учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга қаратмоқда. Чунки XXI асрда мамлакатимиз шоншуҳратини кўтариш вазифаси айни шу ёш йигит ва қизлар зиммасига тушади. Президентимиз таъкидлаганларидек, «...мамлакатнинг иқтисодий қудратини, унинг эртанги кунини, борингки, тақдирини ҳам пировард натижада ақл-заковат, маънавият ҳал этади».

Рустам ШАРИПОВ,
ТДЮИ Ўқув жараёни сифатини назорат қилиш инспекцияси бошлиғи, доцент,
Қувонч ҚОДИРОВ,
инспекция услубчиси

Bizning musohaba

АДОЛАТ, ТЎҒРИЛИК — ИШИМИЗ МЕЗОНИ...

Навоий шаҳар прокурори, адлия маслаҳатчиси Комил ЁРИЕВ билан суҳбат

- Комил Олимович, аввало ўтган 1998 йилда шаҳар прокуратураси ходимлари амалга оширган ишлар хусусида гапириб берсангиз?

- Ҳақли эътироз. Ҳуқуқтартибот идораларидаги айрим кимсаларнинг куракда турмас қилиқлари оқибатида қонун посбонлари ҳисобланмиш прокуратура, суд, милиция ходимлари шаънига доғ тушаётгани бор гап. Юқорида таъкидлаганимиздек, гарчанд жиноятларнинг умумий сони камайган бўлса-да, шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари томонидан жиноятларни қасддан яшириш ҳолатлари давом этмоқда. Шаҳар прокуратураси томонидан ҳисобдан яширилган 12 та жиноят аниқланиб, ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилди.

Шаҳар прокуратураси томонидан хизмат мансабини суиистеъмол қилган ички ишлар бўлимининг 4 нафар мансабдор шахсларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилган. Шаҳар прокуратураси томонидан фуқаро Г. Агафоновнинг аризаси юзасидан ўтказилган текширишда, у 24.08.98 йилда шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари томонидан асоссиз равишда уйидан олиб чиқилиб, Алоқа кўчаси, 2-уй олдида тан жароҳати етказилиб, шундан сўнг гарчи у умуман спиртли ичимлик истеъмол қилмаган бўлса-да, шаҳар ҳушёрхонасига келтирилган ва соғлиги ёмонлашгач, вилоят касалхонасининг жонлантириш бўлимида жигари жароҳатланганлиги сабабли операция қилинган.

Ушбу жиноий ҳолатни яшириш мақсадида участка нозири Ж.Тошев мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатишни рад этган. 14.11.98 йилда шаҳар прокуратураси томонидан участка нозири Ж.Тошевнинг асоссиз қарори бекор қилиниб, шаҳар ички ишлар бўлими масъул ходимларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шаҳар прокуратураси томонидан ўтган йилда умумий назорат тартибида 57 та текширишлар ўтказилиб, қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олиш ва келажакда йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриш мақсадида корхона ва ташкилот раҳбарларига 63 та тақдимномалар киритилди. Ўтказилган текширувлар натижасида 63 та ғайриқонуний қарорлар аниқланиб, уларни бекор қилиш ҳақида протестлар киритилди. Аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини зудлик билан бартараф қилиш мақсадида 42 та амрномалар киритилиб, қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик ҳақида 106 та мансабдор шахслар расман огоҳлантирилди.

- Шаҳар корхона ва ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларнинг ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ижроси юзасидан қандай ишлар қилинди?

- «Туркистон» хусусий фирмаси директори З.Жумаева вилоят меҳнат биржасидан янги иш жойлари ташкил қилиш учун 6 млн. сўм олиб, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, шу пул ҳисобидан ўзига шахсий «Линколн» автомашинаси сотиб олиб, давлатдан мақсадли олинган пулни ўзининг шахсий манфаатларига ишлатиб ўзлаштирган.

Ушбу ҳолат юзасидан З.Жумаевага нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 4-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Навоий «Электрокимё» ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори Т.Шарипов шу корхона қошида тузилган «Пакет» масъулияти чекланган жамият директорлиги вазифасига ўзининг ўғли У.Шариповни тайинлаб, у билан жиноий тил бириктириб, 2 млн.дан ошиқ давлат мулкини талон-тарож қилган. Шаҳар прокуратураси томонидан уларга нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 4-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда суд муҳокамасига тақдим қилинган.

- Шаҳар аҳолисининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида нима ишлар қилаяпсизлар?

- Ҳуқуқий тарғибот ишларига кенг ўрин ажратганмиз. 115 та тадбир ўтказиб, 32 марта оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилдик. Шаҳардаги ўқув масканлари, корхоналар ва меҳнат жамоаларида, маҳалла йиғинларида учрашув ва суҳбатлар ўтказилиши белгиланган режа асосида олиб борилди. Ўтган йил мобайнида шаҳар прокуратурасида 326 та ариза қайд қилинган бўлиб, шундан 165 та ариза ва шикоят ўз ечимини топган, 21 та ариза қаноатлантирилиб, 149 таси ҳал қилишлик учун бошқа идораларга жўнатилган. Шикоят ва аризалар жойларда бизнинг ходимлар иштирокида ўрганилиши, ўйлаймизки, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ошишига хизмат қилади.

Суҳбатдош:
Рашид АСЛОНОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Nazorat oynasida

ЕРНИ АЛДАГАННИ ЭЛ КЕЧИРМАЙДИ...

Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда, - дейди доно халқимиз. Вақтида қилинган сифатли шудгор келгуси йил ҳосилига кафолат. Бироқ баъзи деҳқончилик майдонларида турли баҳоналарни рўкач қилиб кузги шудгорни вақтида қилмай, ҳам ер олдида, ҳам эл олдида юзи шувут бўлаётганлар ҳам йўқ эмас. Чироқчи туман прокурори Темир Саидов билан қилган суҳбатимиз айни шу хусусда бўлди. Темир ака бизга қуйидагиларни гапириб берди.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 18 ноябрдаги «1999 йил ҳосили учун кузги-қишки агротехника тадбирлари тўғрисида»ги 475-сонли қарорини туман ҳудудида ижроси юзасидан текшириш ўтказилганда, Чироқчи туман ҳокимлигининг 1998 йил 14 декабрдаги 566/II сонли қарорига асосан режа бўйича шудгорланиши лозим бўлган 8897 гектар ер майдонидан 82 фоиз шудгорлангани, яъни 1999 йил 1 январ ҳолатига кўра 960 гектар ер майдони кам шудгорлангани маълум бўлди. Бундай майдонлар «Чияли»да 204 гектар, Салим Жўраев номли хўжаликда 71 гектар, «Меҳнатобод» хўжалигида 173 гектар, Карим Содиқов номли хўжаликда 65 гектарни ташкил этади. Бу ноҳуш ҳолни хўжалик раҳбарлари, Чироқчи туман машина-трактор таъмирлаш очиқ ҳиссадорлик жамияти ҳайдов техникаларини ўз вақтида таъмирлаб бермагани, эҳтиёт қисмлари ва ёқилғининг етишмаслиги билан изоҳлашмоқда. Шудгорлашда йўл қўйган сусткашлиги учун тегишли хўжаликларнинг раҳбарлари, машина-трактор таъмирлаш очиқ ҳиссадорлик жамияти раиси Азамат Нуримовлар расман огоҳлантирилди.

Ўз мухбиримиз

Qonun va biz

ҲУҚУҚИЙ ХИЗМАТ — ЗАМОН ТАЛАБИ

Мен «Ватан остонадан бошланади», деган жумланинг ёнига «Ватан оиладан бошланади» деган иборани ҳам қўшгим келади, негаки, ҳар бир инсоннинг мўъжазгина оиласи - унинг Ватанидир. Конституциямизда оила ҳақида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда давлат ва жамият муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга» деб ёзиб қўйилгани бежиз эмас албатта, чунки қайси элда оилалар тинч-тотув бўлса, шу эл-юрт фаровон, бахтли ҳаёт кечиради. Шунинг учун ҳам узоқни кўра билган Президентимиз И.Каримов томонидан 1998 йил «Оила йили» деб эълон қилинган эди. Оила йилида бутун эътибор оилаларни мустаҳкамлашга ва уларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилди. Шу асосда кўплаб қарорлар қабул қилинди, давлат дастурлари ишлаб чиқилди. Республикамиз Парламентининг XI сессиясида кўпгина қонунлар қатори Оила кодексининг қабул қилиниши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Оила кодексидаги 4-модда оиланинг оналик, оталик ва болаликнинг муҳофаза қилиниши деб номланади. Бундан мақсад оналик, оталик ва болалик ҳуқуқларини, оиланинг ҳуқуқий ҳимоя қилинишини янада мустаҳкамлашдир. Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас, деган бандининг киритилиши кўпгина никоҳсиз оилалар қурилишининг олдини олишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Чунки иш тажрибаларимиздан маълумки, кўпгина фуқаролар диний никоҳ ўқитганмиз, боламизга туғилиш гувоҳномаси олиш учун шу етарли асос бўлмайдими, дея мурожаат қилишади. Эндиликда жойларда учрашув, суҳбатлар ўтказганимизда ушбу бандни эслатиб бормоқдамиз. Шу модданинг ўзида яна битта янгилик, яъни алоҳида ҳолларда (ҳомиладорлик, бола туғилиши ва бир тарафнинг касаллиги ва бошқа ҳолларда) никоҳ ариза берилган кун тузилиши мумкин, деб кўрсатилиши ҳам фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб, уларнинг ортиқча сарсон бўлишининг олдини олмоқда.

Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтказилиши ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан уч йил илгари бўлган баъзи ҳодисалар ёдимга тушади. Никоҳдан ўтиш учун йигит-қиз ариза беришди. Муддатлари етгач, никоҳларини тантанали тарзда қайд қилишди, жуда чиройли, бир-бирига мос келин-куёвга қараб ҳавасинг келади. Бир ҳафта ўтгач, йигит хафа бўлиб, кўзларида ёш билан ҳузуримга келди. Хотини тўйдан уч кун ўтгач, тўсатдан вафот этганлиги, келиннинг юраги туғма хасталиги, унинг турмуш қуриши мумкин бўлмаганлигини айтиб, йиғлаб юборди. Яна бир оилада ҳам кўнгилсизлик ҳолати бўлди. Келиннинг тутқаноқ касали бор экан, куёв буни тўйдан тўрт ой ўтгач, билиб қолибди. Бу орада хотини ҳомиладор бўлиб, йигит бечора икки ўт орасида қолган. Бундай ноҳуш ҳолларнинг олдини олишда никоҳланувчиларнинг тиббий кўрикдан ўтиши шунинг учун ҳам муҳимдир. Биз кўпроқ тарғибот ишларини ташкил қилаётганлигимиз туфайли туманимиз шифохонаси қошида ташкил этилган махсус кўрикдан ёшларимиз ихтиёрий равишда бориб ўтиб келишмоқда.

Никоҳ шартномаси фақат никоҳдан ажралганда молмулкни бўлиш эмас, балки эр-хотиннинг елкасига маълум масъулиятлар юклайди. Масалан, эр оилада барча таъминотни ўз зиммасига олиши ҳақида шартнома тузилиши мумкин.

Оила йилида туманимизда 1997 йилга нисбатан 15 та никоҳдан ажралганлик рақами кам қайд қилиниши бизни жуда қувонтирди. Бу бизнинг олиб бораётган тадбирлар ва тарғибот ишларимизнинг самараси деб биламан. 1999 йил - Аёллар йилида ушбу рақамни янада кўпайтириш учун барча чораларни ишга соламиз.

Оила кодексида қон-қариндошлик ва болаларнинг насл-насабини белгилашнинг киритилиши, қон-қариндошлик, қайинбўйинчилик ва қуда-андачилик тушунчаларининг тўлиқ ёритилиши фақатгина мерос масалаларини ҳал қилишда эмас, балки яқин қариндошлар ўртасида никоҳлар бўлишининг олдини олишда ҳам ҳуқуқий аҳамиятга эгадир. Шунингдек, фарзандликка олишда, боланинг исми-шарифини ўзгартиришда, оталикни белгилашда ўн ёшга тўлган боланинг розилиги талаб қилиниши ҳам болаларимизнинг ҳуқуқлари кенгайтирилиши демакдир. Бу оила ҳуқуқий нормалари фақатгина катта ёшдаги шахсларга эмас, балки кичик ёшдаги оила аъзоларига ҳам тарбиявий таъсир кўрсатишни таъминлашдир.

Оталикни белгилаш ҳақидаги аризаларни таҳлил қилиб умумлаштирганимизда кўпгина аризалар биринчи никоҳлари қонуний бекор қилинмаган фуқаролар томонидан берилганлиги аниқланди. Жойларга чиқиб тушунтириш ишлари олиб борганимиз, матбуот ва радиода чиқишлар қилиб, қонуний никоҳнинг ҳуқуқий аҳамияти ҳақида ўз фикрларимизни билдирганимиз натижасида 1997 йилга нисбатан 1998 йилда 60 та оталикни белгилаш аризалари кам рўйхатга олинди. Модомики, ФҲДЁ ходимларининг вазифаси шундай шарафли ва масъулиятли экан, биз – шу соҳа вакиллари, аввало, халқимизга ҳуқуқий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, юртимизда қонунлар устуворлигини таъминлашда халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда хизматимизни аямайлик.

Насиба МАҲМАТҚУЛОВА,
Самарқанд вилояти, Булунғур тумани ФҲДЁ бўлими мудираси

ҲУНАРДАН РИЗҚИНГ УНАР

Jinoyatchilikning ildizi qaerda?

НОКАС — ЭЛНИ ТАНИМАС

Ҳар юртнинг ўз урф-одати, удумлари, кўз-кўз қилиб кўрсатишга арзигулик мард ўғлонлари бўлади. Лекин ўз элининг юзини ерга қаратувчи, кўзларини ёшлагувчи номарду нокасдан худо асрасин. Бундайлардан эл безор... Негаки, бундайлар қутурган ит мисоли эгасини ҳам танимайди.

Наманган вилоятининг Чуст туманида ажойиб, одобли, меҳмондўст ва оқил аҳоли яшайдиган Карнон қишлоғи бор. Қарангки, шу ердан ҳам «патос» чиқди. Унинг исми-шарифи дабдабали: Баҳодир Шароповнинг! Исми мардона аталишига қарамай, унинг номардлиги туфайли ҳамқишлоқларининг кўзлари намланиб, кўнгиллари вайрон бўлди.

Баҳодир муқаддам ўғрилик қилиб қамалган ва 1997 йилнинг июнида жазо муддатини ўтаб, қишлоққа қайтган эди. Уни судга чақиришиб, қонун талабига асосан И.Мадраҳимовнинг уйидан ўғирлаган моддий зарарни тўлаши лозимлигини тушунтиришди. Шу кундан бошлаб Б.Шароповнинг пайтавасига қурт тушиб, моддий зарарни қандай қилиб бўлса-да, тўламаслик чорасини излай бошлади. Ўйлаб топган найранги асносида қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ҳошимбой Нишоновга учрашди. Уни суд ходимларининг бу масалани Ҳ.Нишоновга ҳавола қилишганини сўзлади ва ишонтирди.

«Алдагани овсар яхши», деганларидек, алданган Ҳошимбой Нишонов Чуст туман судидан ёзма равишда топшириқ йўқлигини ҳам ўйламади. Ҳеч бўлмаса телефон орқали суд ходимларидан бу ҳақда бир оғиз маълумот ҳам сўраб ўтирмади. 1998 йилнинг 18 март куни қишлоқ фуқаролар йиғини идорасига Илҳомжон Мадраҳимовнинг отаси Анормат акани ва бир неча қишлоқ оқсоқолларини таклиф қилди. Шу ерда Б.Шароповнинг қариндошлари иштирокида Мадраҳимов Анорматдан ўғирлик туфайли етказилган 103265 сўмлик моддий зарарнинг даъвосидан воз кечишини талаб қилдилар. Ана шу ўйламай чақирилган йиғилиш ва ноўрин талаб туфайли Шароповлар ва Мадраҳимовлар оилалари ўртасидаги можаро янада кескинлашди. Айниқса, Баҳодир Шаропов асабийлашди, ўз даъвосидан воз кечмаётган мактаб ўқитувчиси Илҳомжон Мадраҳимовга хезланди ва ундан ўч олишни мақсад қилиб қўйди.

Орадан икки кун ўтиб, 21 март Наврўз байрами куни жамоа хўжалиги идорасига инсонийлик қиёфасини йўқотган, жамиятга, ҳурмат-иззатга тупурганини намойиш этиб, қуролланган Баҳодир Шаропов кириб келди. Бемаъни гаплар билан жанжал кўтарди. Жанжалнинг олдини олмоқчи бўлган бегуноҳ одамларга ҳам пичоқ ура бошлади. Бу ҳолни Чуст туман ИИБга телефон орқали билдиришга уринган Илҳомжон Мадраҳимовни қувлаб кетди. Қишлоқ болалар боғчаси ҳовлисида унга етиб олиб, ваҳшийларча ўлдирди. Сўнг кўчага чиқиб, бу мудҳиш ҳаракатларини яна давом эттирди. Дўсматов Анварга пичоқ билан ташланиб, уни ҳам ўлдиришга суиқасд қилди.

Карнон қишлоғидан чиққан бу нокас, ваҳшийқалб одамнинг ифлос қўллари икки бегуноҳ инсонни ҳалок қилди. Фарзандлар ва қариндошларнинг кўз ёшлари тўкилди. Бир инсон ногирон бўлиб қолди. Бир нечаси эса тан жароҳати олишди.

Жиноят жазосиз қолмайди. Қотил суд ҳукми билан отувга ҳукм қилинди. Аммо шу ўринда кишини ўйлантирадиган хулосалар пайдо бўлади. Хўш, бу мудҳиш воқеа бўлмаслиги ҳам мумкинмиди? Албатта, мумкин эди.

Агар қамоқ жазосини ўтаб қайтган Б.Шароповнинг юриш-туриши, феълатвори устидан туман ИИБнинг ҳудуд вакиллари назорат ўрнатишганда, тарбиявий-тушунтириш ишлари олиб борилганда, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси зиммасидаги масъулиятли вазифага лоқайд бўлмаганида, юртимизда Наврўз байрами нишонланаётган бир пайтда Карнон қишлоғида ҳам бир қатор оммавий тадбирлар ўтказилиши режалаштирилганини инобатга олиб, қишлоқда милиция ходимларининг навбатчилиги ташкил қилинганида, қолаверса, Чуст туман марказига, унинг Ички ишлар бўлимига зудлик билан хабар қилиш учун «Сабзавор» жамоа хўжалигида биттагина телефон ишлаб турири таъмин этилганда, мудҳиш қотиллик, хунрезликнинг олди олинган бўлармиди?

Хуллас, ҳаддидан ошган жиноятчининг янада оғир жиноятлар содир этиши учун шарт-шароитлар етарлича эди. Келгусида эса бундай ҳол такрор бўлмаслиги учун биз ҳикоя қилган оғир жиноятларнинг сабаблари ва жиноят содир бўлишига имкон яратиб берган шарт-шароитларни бартараф этиш борасида Наманган вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати Чуст туман ҳокимияти раҳбарларини огоҳлантирди ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 298-299-моддалари бўйича ажрим чиқарди.

Гулнора ОХУНОВА,
Наманган вилоят судининг судьяси,
Салима ҚИЛИЧЕВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

БАХТ КАМАЛАГИ

ёхуд оила ҳақида мушоҳадалар

Оила - инсоннинг қалб шуури, меҳр-муҳаббати, фидоийлиги ва бурч туйғулари билан тикланадиган иморатдир. Оилани табиатнинг шоҳ асари деб атаган донишманд мутлоқ ҳақ гапни айтган. Шубҳасизки, оила - инсон ҳаётига тўкислик бағишлайди, бахт келтиради, фарзандлар баркамоллигини таъминлайди. Зеро, шундай экан оиланинг бахти, бутунлиги ва жипслиги унинг маънавий соғломлигидадир.

Мухбиримиз Жиззах вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Раъно Ҳакимова ва Жиззах шаҳар суди раиси Митанбой Равшановлар билан учрашиб, оиланинг жамиятда тутган ўрни, оила бахти ва оилавий муносабатлар хусусида суҳбатлашди.

Р.Ҳакимова: - Мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб, маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан шарқона одоб ва лутф қайтадан қарор топаётган бир шароитда оиланинг жамиятдаги нуфузи борган сайин юксалмоқда. Оилада эр-хотиннинг ўзаро меҳру муҳаббати ҳар нарсадан устун, мусаффо бўлади. Бу - оиланинг бахт-саодати ва файзидир.

Юртбошимиз Ислом Каримов оила хусусида: **«Ҳалоллик, ростгўйлик, орномус, шарму ҳаё, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар энг аввало, оилада шаклланган»**, деб тўғри таъриф бердилар.

Оила қадриятларини мустаҳкамлаш борасида ҳукуматимиз ишлаб чиққан тадбирларини амалга оширишда жамиятнинг барча жабҳа ва соҳалари қаторида Адлия вазирлиги жумладан, вилоятимиз адлия бошқармаси тизимида ҳам кенг кўламли амалий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Оилавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш, оила тўғрисидаги қонунчиликка риоя қилинишини таъминлаш, бу борада мунтазам ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш орқали оилани мустаҳкамлаш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, янгича анъаналар ва қадриятларни жорий этиш борасида вилоятимиз адлия идоралари, судлари, ФҲДЁ бўлимларининг турли учрашувлари, давра суҳбатлари мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Ҳокимликлар ва бошқармамиз ташаббуси билан «олтин тўй», «кумуш тўй», «суннат тўй»ларни ўтказишни йўлга қўйдик.

Биз турли тўй-маросимларни ўтказишда исрофгарчилик, дабдабабозликлар бўлмаслиги, замон руҳига мос ва аҳоли турмуш тарзига хос бўлиши учун кенг қамровли тарғибот тадбирларини амалга ошираяпмиз. Бунда телекўрсатув, радиоэшиттиришлар ва вақтли матбуот саҳифаларидан кенг фойдаланаяпмиз. Кўп болали, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатишга асосий эътиборимизни қаратаяпмиз.

- Оила муқаддаслигини таъминловчи биринчи омил - оилада эр-хотиннинг фаровон турмуши, бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббати, қолаверса, бошқаларга ибратидир. Аммо афсуски, баъзан оилавий низолар, ажралишлар оқибатида мотамсаро кулба-ю, икки ўртада кўзлари жовдираб юрган гўдак тақдири киши қалбини ларзага солади.

М.Равшанов: - Судья сифатида озми-кўпми оилавий муносабатлардаги низоларни кўриб чиқишимга тўғри келади. Бунга кўпинча ёш оилалар ҳаётига қайнона ва қайноталарнинг ноўрин аралашуви, майда-чуйда игволар, сабаб-бесабаб жанжаллар, тарафларнинг бир-бирини тушунмасликлари ёки баъзи моддий ва маънавий етишмовчиликларга бардош беролмаслик каби иллатлар сабаб бўлаётганлигига дуч келамиз. Бир мисол. Яқинда қабулимга 25 ёшлардаги жувон келди. Ёнида кичкина болакай харҳаша қилганича онасининг кўйлаги этагидан тортқилай бошлади.- «Отамга обойинг! Отамга бойаман!..» Жувон боласини силтаб ташлади. Боласи тинчимагач, юзига шапалоқ тортиб юборди. Болакай чирқирай бошлади. Гоҳ менга, гоҳ эшикка мўлтираганича кўз ёшларини тиёлмай, ота меҳрини излаб, ўксиб-ўксиб йиғларди.

- Уялмайсизми, синглим? Болада нима айб? - дея жувонга танбеҳ бердим.

- ...

Жувон қайнота-қайнонаси билан чиқишмабди. Тез-тез эри билан жанжаллашиб, охир-оқибат бу жанжал ажралишгача бориб етибди. Суд олти ой мухлат берди. Аммо жувон ажралиш аҳдидан қайтмади. Кўзларидан ёш томчилаётган болакайнинг изтиробларини бир пул... Аксинча, эрини қаматишни ўйлайди.

Минг афсус! Оилани, турмуш тарзини енгил-елпи ўйлайдиган бундай кимсалардан қандай қилиб оиласига фидойилик, меҳр-муҳаббат кутиш мумкин?

Жамиятимизда эл назарига тушган, кўпчилик ҳавас қиладиган оилалар бисёр. Улардан ўрнак олишга, ижобий фазилатларини ўзимизга ибрат сифатида қабул қилишга интилиб яшаймиз.

Мен оилани Ватаннинг бир бўлаги, ўз қонун-қоидаларига эга бўлган кичик бир давлат деб ҳисоблайман. Оилада эр-хотин баробар ақлан ўйлаб ҳаракат қилсалар, оила муносабатларидаги муаммолар ечилиб боради. Вақтинчалик машаққатлар ортда қолиб, фаровон турмуш таъминланади. Зеро, оила - мустақил Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб яшнаши, равнақи, ривожи ва жаҳонга юз тутишида ёрқин камалакдир.

Ортиқбой ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Huquqshunos ilhomi

ЯХШИЛИК

Қалбдан чиққан нидони
Шоирлар шеър дейдилар.
Ўз сўзида турганни
Халқимиз эр дейдилар.

Яхши ёзилган китоб
Элга манзур бўлади.
Кўнгилни айлаб чароғ,
Бамисли нур бўлади.

Яхши ният кишига
Яхши инсон ёндашар.
Бу дунёда номардлар
Амал, бойлик талашар.

Яхши ният одамни
Уйимга кел дейдилар.
Ҳаттоки бир майизни
Қирқ бўлишиб ейдилар.

Яхши шеър - дил озиғи,
Яхши инсон фаришта.
Яхши сўз ва эзгулик
Ҳамроҳ бўлсин ҳар ишда.

Ёмонлардан нари юр,
Яхшига эшик очгил.
Эзгу аъмолинг билан
Сен оламга нур сочгил.

Ҳамза ЗОКИРОВ

Parodiya

Болаликда, эсингиздами,
Ака, сиз-ла курар эдик қор.
Дер эдингиз: «Кўзингга қара,
Синглим, тойиб кетмагин зинҳор».
Мўлжаллардик тепадан туриб.
Кўчамиздан ўтганни роса.
Нақ оғзига кирар эди қор,
Бош кўтариб кимки қараса.
Ака, ёшликдаги дамларга
Аталган бу синглингиз шеъри.
Одамлар қор курамай қўйди
Томи шифер бўлгандан бери.

Ухлар эмиш
Кимдир суткалаб,
Кимдир уч кун
Турмасдан ётар.
Баъзилар бор, ёстиққа боши
Тегса тамом, тош каби қотар.
Назаримда ухламоқлик ҳам
Улар учун жуда катта иш.
Ҳуррак отмай нетсин шўрликлар,
Қўлларидан келмагач ёзиш.

Ўткир САИДОВ

ОЛАМШУМУЛ ВАСИЯТ

Ушалмаган орзу

2-МАҚОЛА

Нобель мукофотига номзодлиги кўрсатилган шахсларнинг ирқи, миллати, жинси ва динидан қатъий назар, бу мукофотлар мазкур фан соҳаларида эришилган энг катта ютуқлар учун берилади. Тинчлик мукофотидан ташқари ҳамма мукофотлар фақат индивидуал тартибда ва бир марта берилади. Нобель мукофоти мустасно сифатида М.Складовская - Кюри (1903 ва 1911), Л.Полинг (1954 ва 1962) ва Ж.Бардин (1956 ва 1972)га икки мартадан берилган. Нобель мукофотининг ҳар тури тўғрисидаги низом билан белгиланган шахсларгина Нобель мукофотларига номзодларни кўрсатиш ҳуқуқига эга (масалан, Нобель мукофоти лауреатларининг шундай ҳуқуқи бор). Қироллик фанлар академияси ва Қироллик медицина-хирургия институти мукофотга номзод кўрсатадиган шахсларни ҳар йили келаси йил учун махфий равишда танлайди. Нобель мукофотини топшириш тантанаси Стокгольм ва Ослода Нобель вафот этган кунда (10 декабр) ўтказилади. Биринчи марта 1901 йилда топширилган. Биринчи Нобель мукофотини олиш бахтига олмониялик олимлар: В.Рентген (физика соҳасидаги ишлари учун), Э.Беринг-Фон (физиология ва тиббиёт), нидерландиялик Я.Вати-Гофф (кимё) ва франциялик Ф.А.Сюлли-Прюдом (адабиёт)лар муяссар бўлдилар. Шундан буён ўтган 98 йил мобайнида дунё бўйича 500 дан кўпроқ кишига бу юксак мукофотни олиш бахти насиб қилди. Мукофотланганлардан 186 дан кўпроғи АҚШга, 87 нафари Англияга, 67 нафари Олмонияга, 43 нафари Францияга, 29 нафари Швецияга, 15 нафари собиқ СССРга, 13 нафари Италияга, Дания ва Австрияга 12 нафардан, Канада, Швейцария, Венгрия, Аргентина, Норвегия, Югославия, Гватемала, Польша, Греция, Испания, Исландия каби мамлакатларга тўғри келади. Бу нуфузли халқаро мукофотнинг қарийб барчаси хорижлик олимларга насиб этганлиги ҳам уларда илм-фаннинг қай даражада гуркираб ривожланганлигини кўрсатиб турибди.

Колумбдан бир неча асрлар муқаддам Америка харитасини чизган ва минг йиллар илгари фазони тадқиқ қилган Хоразмий, Беруний, Умар Хайём, Ибн Сино, Форобий, Ал-Фарғоний ва Улуғбек каби юзлаб алломаларимизнинг ишларини бир неча бор Нобель мукофоти билан тақдирласа ҳам камлик қилган бўлур эди. Бугун ўзбек олимларининг жаҳон илм фанида ўзига муносиб ўрин топишдек улуғ мақсадга эришиш, барча илм масканларида юксак илмий имкониятларни шакллантириш учун ишни нимадан бошламоқ керак? Биринчидан, собиқ Иттифоқдан мерос бўлиб қолган қоғозбозлик, бюрократлик (димоғдорлик), уруғаймоқчилик ҳамда илм-фандаги мудҳиш порахўрлик каби иллатларни таг-томири билан тугатмоқ лозим. Нима учун хорижий мамлакатларда илм-фан гуркираб ривожланмоқда? Сабаби, уларда қоғозбозлик йўқ, ғоялар эркинлиги йўлга қўйилган. Битта оддий мисол: бир вақтлар собиқ СССР фуқароси бўлган, кейинчалик эса АҚШда яшаган Иосиф Бродский Нобель мукофоти эгаси. Шуниси ажабланарлики, унинг нафақат дипломи, ҳатто аттестати ҳам йўқ. Шу ўринда рус муҳожир ёзувчиси Владимир Набоков «Америкада сизнинг уруғаймоғингизнинг кимлиги ёки чўнтакдаги пулингизга қараб илмий унвон ҳам, мукофот ҳам берилмайди. Агар қўлингиздан келмаса, мансаб курсисига ўтказишмайди ҳам», деб бежиз айтмаган. Бизда номзодлик имтиҳонини топширмай ҳимоя қилиб кўринг-чи, ҳатто кашфиёт яратсангиз ҳам дипломингиз бўлмаса, ишингиз битмайди. Фараз қилайлик, бирорта ишчи, деҳқон ёки муҳандис ўз машинасининг камчилигини тузатиб, уни такомиллаштириши ёки умуман бошқача принципда ишлайдиган содда, ихчам, қулай конструкцияни ишлаб чиқади. У ана шу ғоя учун патент ҳам олар, бироқ уни қандай қилиб амалиётга тадбиқ этади? Ким унга ҳомийлик қилади?

Тажриба намунасини ишлаб, синаб кўрай деса, ҳеч вақоси йўқ. Бир йўла ўнлаб идоралардан ўтиб, ўша соҳа билан шуғулланувчи илмий тадқиқот институтлари ёки конструкторлик бюроларига етиб бориш ва уларнинг фикрини билиши керак. У ерда масалани юмшоқ курсига маҳкам ўрнашиб олган димоғдор кишиларгина ҳал қилади. Баъзилар аввало масаланинг моҳиятига қараб яхши иш бўлса ҳаммуаллифликни таклиф қилишади. Америкада ғояларни йиғувчи махсус ташкилотлар мавжуд. Яъни оддий ишчидан тортиб, президентгача ўзининг бирор ғояси билан ана шу ташкилотга мурожаат қилиши мумкин. Таклиф этилган ғоя билан ташкилот бевосита шуғулланади, унда муаллифнинг иштирок этиши ҳам шарт эмас. Ишлаб чиқаришга тадбиқ этилгач, ўша ғоянинг эгасига тегишли маблағ ажратилади. Ҳаттоки қўлланилмаган, лекин яхши ғоялар учун ҳам пул берилади. Шукурки, мустақилликка эришгач, юртимизда бу борада ижобий силжишлар рўй бермоқда. «От ўрнини той босар» деб бежиз айтишмаган. Иншооллоҳ, яқин йиллар ичида мустақил Ўзбекистон диёридан ҳам ўзининг фандаги ютуқлари билан дунёни лол қолдирадиган Нобель мукофоти совриндорлари етишиб чиқажак...

Назар ҚАРШИБОЕВ,
Парда БЕРДИБЕКОВ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Saboq

Агар ўғлинг ўсмирлик оламидан камтарин ва ақлли йигит бўлиб чиқса, унга яхшилаб таълим-тарбия бергин.

***

Аммо ўғлинг ўспиринлик дунёсидан уятсиз ва кўрс, ўғриликка мойиллиги бор, ёлғончи бўлиб чиқса, уни гладиатор (қадимги Римда цирк майдонида кураш туширилган қул ёки асир) қилгин. Қўлига қилич бериб, Ҳудога илтижо қилки, ҳайвонлар уни тезгина бурдалаб, ўлдириб ташласинлар. Агар у тирик қолган тақдирда унинг барча қилмишлари сени ҳалок қилади. Ундан ҳеч қандай яхшилик кутма.

***

Фанларни ўрганиш учун китоб энг яхши қўлланмадир. У худди кўздан ёғилаётган нуру гапга чечан тилга ўхшайди. Билимдон ҳеч қачон хор бўлмайди. Ақл билан иш кўрган киши сира қоқилмайди.

***

Хиёнаткор хотиннинг оёқлари қинғир йўлга бошлайди. Уз эрини алдашдан каттароқ гуноҳ бўлмаса керак. Аммо хотинига нисбатан ноҳақ йўл тутган ҳар қандай эр ҳам нафратга лойиқдир.

Кинчиси ҳаддан ортиқ тўйиб овқатланмоқ. Аммо бизлар қорин ғамида нималарни қилмаймиз, дейсиз. Оч қолсак ўғрилик қиламиз, ҳамма нарсамиз ошиб-тошиб кетсаям, сира кўзимиз тўймайди. Кейинчалик иккаласи учун ҳам қаттиқ пушаймон бўламиз.

***

Ўз эҳтиросларига қаттиқ эрк бериб, нафсини қондиргач, кейинчалик бу қилмишидан афсус чекмаган бирорта ҳам киши бўлмаса керак.

***

Дангасанинг косаси оқармас, у нафратга лойиқдир.

Бир куни дўстлари Хомердан сўрашибди:

- Қари кишини урган одамга нима бўлади?

Хомер жавоб қилибди:

- Кўзлари кўр бўлади.

- Уз онасини урган кишига нима бўлади?

У жавоб берибди:

- Уни Она ер кўтармайди. Чунки Она ер барча тирик мавжудотларнинг онасидир.

Яна ундан сўрашибди:

- Уз падари бузруквори - отасига қўл кўтарган кимса қандай жазога лойиқ?

Хомер дўстларига қуйидагича жавоб берибди:

Дангасалик дегани умрини очлик, ташналик, ялангоёқлик ва оҳ-воҳ чекиб ўтказиш деганидир. Ялқовлик охири хўрлик. Меҳнатсеварлик ва тиришқоқликни ҳамма шарафлайди: меҳнатсевар кишининг дастурхони ҳамиша тўкин-сочину эл олдида юзи ёруғ. Агар меҳнатсевар киши омадсизликка учраса ҳам ҳеч ким унга таъна қилмайди.

***

Уришқоқ бўлма! Ўзингдан каттага ҳеч қачон қўл кўтарма!

- *Бунақаси ҳеч қачон бўлмаган. Бу ҳақда гапиришга ҳам ҳожат йўқ. Уз отасига қўл кўтарган фарзанд бутун ер юзида ҳали туғилмаган. Агар туғилган бўлса ҳам ўз онасининг бирорта ажнабий билан қилган бузуқчилигидан пайдо бўлган ҳароми бўлса керак.*

Русчадан
Нодир НОРМАТОВ,
Гавҳар НОРМАТОВА
таржима қилган

МЕНАНДРНИНГ ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАРИ

***

Ўғлингни хиёнат қилишдан, қўлингни ҳар қандай базму зиёфатлардан сақлаб қолгин. Чунки бузуқлик, маишатпарастлик ўғриликка олиб келади.

***

Тўйгунингча май ичиб, нафсингни қондиргач, тезда кўздан юйиб бўл. Наҳотки, баднафслик дўстлар даврасини тарк этишингга йўл бермаса?

***

Икки нарса инсон учун жуда ёмондир: бири очлик, иккинчиси ҳаддан ортиқ тўйиб овқатланмоқ. Аммо бизлар қорин ғамида нималарни қилмаймиз, дейсиз. Оч қолсак ўғрилик қиламиз, ҳамма нарсамиз ошиб-тошиб кетсаям, сира кўзимиз тўймайди. Кейинчалик иккаласи учун ҳам қаттиқ пушаймон бўламиз.

***

Ўз эҳтиросларига қаттиқ эрк бериб, нафсини қондиргач, кейинчалик бу қилмишидан афсус чекмаган бирорта ҳам киши бўлмаса керак.

***

Дангасанинг косаси оқармас, у нафратга лойиқдир.

- Хотинимнинг сиҳатгоҳдан телефон қилиб айтишича, у уч килога озибди.

- Ў-ҳў, жуда зўр-ку!..

- Э, қўйсангиз-чи, хотинимнинг ҳозирги оғирлигида 3 килога озиши бамисоли янги «Мерседес»нинг нархидан 50 сўм чегириб ташлагандек бир гап...

Хўранда хориж ресторанларидан бирида:

- Е худо, шунақаям беўхшов қарама-қаршилик бўладими?!. Бир-биридан тансиқ, лаззатли таомларнинг нархи кўнгилни оздиради-я!..

Қиз:

- Менга қаранг, яхши йигит, танишганимизга ярим соат бўлар-бўлмай бўса олишингиз уят эмасми?

Йигит:

- Биз ахир... тезюрар поездда кетаяпмиз-ку!

Тўпловчи:
Жаҳонгир МИРЗО

KELGUSI SONDA:

...милиция капитани А. Ҳ. ҳайдовчидан беш минг сўм пора олаётганда қўлга тушган.

...ДАН ходими Б.Ж. маст ҳолда рул бошқараётиб, уч нафар бегуноҳ инсоннинг умрига зомин бўлди.

ТУЗАТИШ

«Ҳаёт ва қонун» юридик журналининг 1998 йил 12-сони 31-бетидаги «Бебаҳо неъмат» мақоласи 2-устун 2-жумла сўнггидаги «мос тушади» сўзи «хос эмас» деб тузатиб ўқилсин.

«Ҳаёт ва қонун» журнали таҳририяти.

ЭЪЛОН

Фарғона вилоят адлия бошқармаси малака ҳайъатининг 1999 йил 5 январ 6-сонли қарорига асосан Қиргули туман катта Давлат нотариуси ТУРҒУНОВА Дилоромхон Якубовнага 1997 йил 8 июлда берилган ГЕ-000037-сонли лицензия **бекор қилинди.**

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир
Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Сафар НАЗАРОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ
(масъул котиб)
Зайниддин ИСЛОМОВ
Ҳамза ЗОКИРОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-0134. Тиражи-10.000. **Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00**

Навбатчи:
С.ҚИЛИЧЕВА
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
Ж. ТОҒАЕВ
терувчи:
М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ:700047 Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5. Телефон, факс: 133-24-41

«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.